

МИЛЛИЙ КИЙИМЛАР – МИЛЛАТ КЎРКИ ВА ҒУРУРИ

Феруза Садуллаевна Атамуратова

Ф.ф.н., Тошкент тиббиёт академияси “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола ўзбек миллий кийимларига бағишланган бўлиб, унда кийимлар миллатнинг нафақат моддий, балки унинг маънавий-руҳий ва ғоявий ўзига хослиги кўрсатиб турувчи, миллат кўрки, унинг ғурури, ифтихори ва мағрурлигини тараннум этувчи маънавий бойлиги сифатидаги аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: этнос, миллат, кийим, миллий кийим, менталитет, моддий бойлик, маънавий бойлик, миллий ғурур, ифтихор, мустақиллик, “Ўзбек либослари галереяси”, “Style.uz”, “замонавийлашув”, мода, кийиниш маданияти.

Инсоният ҳаёти кийимлар билан узвий боғлиқ. Кийимлар уларнинг ҳаётини безайди, эстетик завқ бағишлайди, ўзлигини намоён этади ва турли табиий шароитларда ҳаёт кечиришларида қулайликлар туғдиради. Шу маънода ҳам кийимлар инсониятнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи билан уйғун ҳолатда ривожланиб келган. Кийимлардаги ўзига хослик эса миллатнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, бунда миллат шаклланишининг муҳим омилларидан бири бўлган ҳудуд муҳим ўринга эга бўлган. Миллатнинг дастлабки асоси бўлган уруғлар ва қабилаларнинг маълум ҳудудда яшай бошлашлари, у ердаги табиий ва иқлим шароитларига мослашиб ҳаёт кечиришлари кийимлардаги ўзига хосликни вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва шу тариқа миллий кийимлар этномаданиятнинг таркий қисми сифатида шаклланган ва ривожланган.

Шуни таъкидлашимиз лозимки, миллий кийимларнинг шаклланиш жараёнлари этнограф олимларимиз чуқур ўрганганлар ва улар бугунги кунда ҳам уни ўрганишни давом эттирмақдалар. Лекин, уларнинг миллатнинг шаклланиши, ривожланиши ва истиқболи учун қайси даражада аҳамиятли эканлиги ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этилган эмас.

Миллий тараққиёт жараёнларида содир бўлаётган турли муаммолар, жумладан “кичик” миллатларнинг “катта”лар томонидан қўшиб олишга бўлган интилишларининг авж олаётганлиги, глобаллашув жараёни таъсирида “кичик” миллатларнинг ўзига хослигининг барбод бўлаётганлиги, буюк давлатчилик ва агрессив миллатчилик сиёсатининг қайтадан бўй чўзаётганлиги каби жараёнлар

таъсирдан ҳатто энг “кичик” (оз сонли) бўлган миллатни асраб қолишнинг катта муаммога айланганлиги боис этномаданиятнинг таркибий қисмини ташкил қиладиган миллий кийимларнинг миллат тақдири, истиқболидаги ўрнини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш зарурияти юзага келмоқда. Чунки, миллий кийимлар: **биринчидан**, миллатнинг ботиний ва зоҳирий бойлигини реал (моддий) жиҳатдан ифода эттирадиган омил ҳисобланади. Яъни, улар миллат руҳияти, ички дунёси ва ташқи кўринишини ўзида акс эттиради. Миллат ўзга миллатдан нафақат ўзининг урф-одат, анъана, қадрият, удум ва маросимлари билан, худди шунингдек, ўзининг миллий кийимлари, уларни шакллантириш ва кийиш маданияти билан ҳам ажралиб туради; **иккинчидан**, миллий кийимлар этномаданият тизимида ўзининг кундалик ҳаётда доимо амал қилиши (яъни, ҳар кунда кийилиши) ва оммавийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун ҳам унинг миллий ўзига хослигини оммалаштиришда этномаданият тизимидаги бошқа миллий бойликларга қараганда ҳам имконияти катта. **Учинчидан**, ҳар қандай кийим ва уни кийиш маданияти миллатнинг ички дунёсини, руҳиятини ўзида ифода эттиради. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, миллий кийимлар ўз аҳамиятини йўқота бошласа, миллатнинг аста-секинлик билан ўзига хослигидан, онги ва қадриятларидан ҳам маҳрум бўлиши муқаррар бўлади.

Бу салбий ҳолатнинг оқибатлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов шундай таъкидлайди: “Ҳозирги вақтда қудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун аввало забт этмоқчи, ўз таъсири доирасига олмоқчи бўлган мамлакатларнинг онгини ўзига қарам қилишга интилади”.¹

Кийимларда миллатнинг онги, тафаккури дунёқараши ва менталитетининг ўзига хослиги ифодасини топади. Шу маънода ҳам кийимлар миллат қиёфасини асрашнинг муҳим омили сифатида сақланиб қолади.

Миллий кийимлар элат (этнос) шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашуви жараёнида у билан уйғун ҳолда ривожланиб боради. Қадимдан этносларнинг яшаш жойлари, табиий ва иқлим шароити, ҳаёт кечириши, меҳнатнинг тури ва кўрсатадиган фаолиятларига қараб кийимларнинг шакллари ҳам юзага келган. Шу маънода ҳам кийимлар ҳар бир халқнинг тарихи, маданияти ва маънавиятининг ажралмас қисмига айланиб борган.

Кийимларнинг шакллари, уларнинг ўзига хос гўзаллиги ҳар бир миллатнинг шаклланиши, унинг тарихий маданияти, турмуш тарзи, ички дунёси, эстетик тафаккури билан уйғун ҳолда боғлиқ бўлади. Кийимлардаги ўзига хослик бир

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкуриси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир//Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 491.

минтақада яшаётган, заминлари этногенетик жиҳатдан ягона бўлган турли миллатларда ҳам ўз ифодасини топади. Жумладан, Марказий Осиёда яшаётган ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз ёки туркманларни кийимлари бири иккинчисидан ажралиб, фарқланиб туради. Агар табиий ва иқлим шароитларини кийимлардаги ўзига хосликнинг шаклланишини асосий омили сифатида қараладиган бўлса, бу элатлар яшаётган ҳудудларнинг табиий ва иқлим шароитлари баъзи ҳудудларда бир хил бўлса, баъзисида бир-бирига яқин. Аммо кийимлардаги ўзига хослик мавжудки, бири иккинчисини айнан такрорламайди. Бунинг асосий сабаби уларнинг этномаданий даражасигача шаклланиш жараёнида ўзлигини намоён этишга бўлган интилишлари муҳим аҳамият касб этган. Бунда уруғларнинг маънавий-руҳий яқинлашуви жараёнида шаклланган умумий хусусиятлар таъсири кучли бўлган. Худди ана шу омил кийимларда ҳам ўз ифодасини топган.

Кийимлар инсон ва миллатнинг моддий бойлиги, ташқи кўриниши, эстетик диди, ички маънавий - руҳиятнинг ўзига хослигини акс эттирувчи муҳим моддий омил ҳисобланади. Кийимларнинг моддий бойлик сифатидаги ўрни шундаки, биринчидан, инсон ҳаёт кечириши учун ейиши ва ичиши қанчалик аҳамиятга молик бўлса, кийиниши ҳам ана шундай аҳамиятга моликдир. Иккинчидан, у моддий бойлик сифатида инсоннинг қўл меҳнати билан яратилади. Шу билан бирга, кийим инсонни ташқи муҳитдаги турли ўзгаришлардан ҳимоя қилибгина қолмасдан, инсоннинг маънавий бойишига ҳам таъсир кўрсатади, чунки у инсон маънавий салоҳиятининг маҳсули ҳисобланади.

Миллий кийимлардаги ўзига хослик ҳар доим миллатнинг “мен”лигини намоён этиб туради. Аммо, ташқи кўринишдаги миллий ўзига хослик билан ички маънавий-руҳий ҳолатда ўзаро уйғун бўлмас экан, ундай инсонлар миллатнинг тўлақонли вакили даражасини ўзида ифода эттира олмайдилар. Яъни, миллий кийимни кийган, аммо миллатга хос бўлган хусусиятларни ўзида акс эттира олмаган ҳар бир инсон миллатнинг ички руҳий ҳолатини ҳам тўлақонли ифода эттира олмайди. Чунки, инсонни ташқи кўриниши, кийиниши унинг ички олами маънавиятини ҳам ифода эттиради. Чинаккам маънавиятли инсонни миллий ғурур ва ифтихор дунёқараши ҳам кучли бўлади. Бу унинг миллий кийимларга бўлган муносабатида ҳам ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам зўравон мамлакатлар ўзлари босиб олган мамлакатлар халқларига ўз урф-одат, анъана, қадриятларини сингдириш билан бир вақтда тилини ўзгартириш, кийим кийиш маданиятини улар турмушига сингдиришга ҳаракат қилганлар. Бу ҳаракатларнинг заминда катта сиёсат турган. Босқинчилар ўзларининг урф-одат, анъана ва қадриятларини қарам халқлар онгига ва турмуш тарзига сингдириш, шу орқали уларнинг миллий ғурур ва ифтихорларини синдиришни амалга оширганлар. Бундай сиёсат натижасида

босқинчилар ҳатто ўзларининг кийиниш маданиятларни оммалаштиришга имконият яратганлар. Бу ўз навбатида уларнинг турмуш тарзини ўзгартиришига олиб келган. Ўзликдан маҳрум бўлган халқ ўз миллий хусусиятларига бефарқ бўлишига олиб келишини босқинчилар яхши билганлар. Уларнинг бу сиёсати қарам халқларни осонгина итоаткор бўлиб, улар билан қўшилиб (ассимиляция) кетишига имконият яратган. Миллий кийимларга нисбатан бефарқ бўлиш ҳар бир миллат вакилида, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларидан маҳрум бўлишига ўзининг таъсирини ўтказган.

Бу келтирилган аниқ мисоллардан кўриниб турибдики, миллий кийимлар нафақат миллатнинг моддий бойлиги, унинг ташқи кўриниши, ички маънавий-руҳий ва ғоявий ўзига хослигини кўрсатиши билан бир вақтда унинг ўзга миллатлардан фарқини кўрсатувчи, ғурури ва ифтихорини намоён этидиган маънавий бойлиги ҳамдир.

Собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида миллий кийимлар ўрнига Овropa халқларининг кийимларини кенг тарғиб қилиш сиёсатининг олиб борилиши, миллий кийимларни қиядиган миллатимиз вакиллари “қолоқ”ликда айблаш, бу ҳол “миллатчилик”нинг бир кўриниши сифатида қаралиши авж олганлиги оқибатида, миллий кийимлар кийиш деярли модадан “чиқиб” кетаётган эди. Шунинг билан бирга миллий ғурури ва ифтихор туйғулари ҳам саёзлашиб, ўзгаларнинг кийимларни кийиш ва уларни миллатимиз ўртасида оммавийлаштиришга “мойиллигимиз” мажбуран кучайиб борган эди.

Айниқса, Ўзбекистоннинг ўзида, хусусан, Тошкент шаҳрида ўтказиладиган халқаро илмий анжуманларда бошига ўзбек дўпписи кийган битта қатнашчи кўринадиган бўлса, унга собиқ марказдан келган вакиллар шубҳа билан қарайдиган, буни “миллатчилик” руҳиятининг белгиси сифатида баҳолаб ваҳимага тушадиган бўлиб қолишган эдилар. Ҳатто, шўролар ҳукмронлигининг ҳалокати арафасидаги Республикаимизнинг айрим раҳбарлари тўғридан тўғри ва очиқ равишда миллий кийимларимизни кийишни эскилик “қолдиғи” сифатида баҳолаш даражасига бориб етган эдилар. Албатта, заминлари чуқур ва мустаҳкам бўлган миллатимиз, унинг жонкуяр, миллатпарвар вакиллари бундай хатти-ҳаракатларга нисбатан ўзларининг норозилик муносабатларини билдира бошлаган эдилар. Аммо, улар қаттиқ қаршиликка учраб келдилар. Шунга қарамасдан аҳолимизнинг аксарият қисми қишлоқларимизда яшаганлиги, бу ерда ташқаридан бўладиган ҳар қандай таъсирни оммалаштиришнинг имконияти камлиги, аҳолининг ҳар қандай “янгилик”ка бўлган консерватизм руҳияти миллий кийимларимизнинг сақлаб қолишига ёрдам берган эди.

Кийимларнинг авлод-аждодларимиздан бизга етиб келган шаклларини тиклаш ва миллий ҳаётимизнинг замонавийлаштиришга халқимиз эришган мустақилликнинг аҳамияти катта бўлди. Ўзбек дўпписини ва турли чиройли атлас ва адраслардан тикилган кийимларини кийиш миллий маънавий ҳаётимиздан ўрин ола бошлади. Бу ижобий жараёни қайта тикланишида миллатимизнинг ўрта ёшдаги қисми фаол иштирок қилди. Бунинг асосий сабаби улар руҳияти, онгида шаклланган миллийликка ташналик бошқаларга қараганда кучлироқ эди. Чунки уларнинг шўролар зўравонлиги даврида миллий ғурури ва ифтихор туйғуларимизнинг оёқ ости қилинганлигини ўз бошларидан ўтказди, мустақиллик шарофати билан ана шу ташналикнинг ўрнини тўлғазиш жараёни тезлашиб кетди. Миллий-маънавий ҳаётимизда содир бўлган бундай ижобий ўзгаришлар ёшларимизнинг кийиниш маданиятини ривожланишига ҳам ўзининг таъсирини ўтказа бошлади. Уларнинг миллий кийимларимизга бўлган қизиқишлари кундан кунга ортиб бормоқда.

Бу борада пойтахтимизнинг эски шаҳар қисмида “Ўзбек либослари галереяси”нинг қурилганлиги миллий маънавиятимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Унда ҳар йили бир қатор жамоат ташкилотлар ҳамкорлигида республика миллий либослар фестивали ташкиллаштирилиб келинмоқда. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёш дизайнер, модельер, тикувчи ва чеварлар, рассом ва кўлигул хунармандларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришдан иборат. Ҳозирда бу тадбир оммалашди ва дунёда “Style.uz” номи билан машҳур бўлди. Ҳар йили “Style.uz” мода ва дизайн ҳафталигида Ўзбекистонлик модельерларнинг миллий анъаналаримизни акс эттирувчи замонавий миллий кийимлар кўرғазмаси ўтказилиб келинмоқда. Унда чет элнинг машҳур дизайнерлари, модельерлари ва стилистлари қатнашиб, кундан кунга ўзбек миллий кийимларига қизиқиш ортиб бормоқда. Бундай анжуманларнинг яна бир муҳим жиҳати, улар орқали биз миллий ўзимизга хос бўлган бой маданият ва маънавиятимизни жаҳонга тарғибот қилиш имкониятига эга бўлмоқдамиз.

Лекин шу билан бир қаторда, яна бир ўта муҳим муаммонинг ечимини топиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Аниқроғи, миллий кийимларимизнинг ўта “замонавийлашиб” кетишини олдини олишимиз ва уларни менталитетимизга мос равишда такомиллашиб боришимиз зарур бўлиб қолмоқда. Чунки, бу жараёнга бефарқ қараш охир-оқибатда миллий кийимларимизнинг ўзига хослиги ва гўзаллигига салбий таъсир ўтказиб, жамиятимизга ўзга халқларнинг турли шаклдаги (модадаги) кийимлари кириб келиб, ўрин олмоқда.

Бундай салбий ҳолатнинг олдини олишда, фикримизча, миллий кийимларимизнинг замонга мос равишда ўзгартириб, янада кўркам ва гўзал

Scientific Journal Impact Factor (SJIF 2022=4.63)

Passport: <http://sjifactor.com/passport.php?id=22230>

бўлишига эришиш йўллари излашимиз, айниқса, ҳар қандай “янгиликни” тез қабул қилишга мойил бўладиган ёшларимизнинг кийиниш маданиятини ривожлантиришимиз лозим бўлади.

REFERENCES

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир//Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 491.